| Амалдаги таҳрир | Янги таҳрир | Изоҳ |
|---|---|---|
| **8. КОМПАНИЯ КУЗАТУВ КЕНГАШИ**<br><br>8.2. Компания кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7 (етти) кишидан иборат бўлиб, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Компаниянинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.<br>Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига биноан Компания Кузатув Кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган даврда ҳақ тўланиши ва (ёки) Кузатув Кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдори акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгилаб қўйилади.<br>Компания бошқаруви аъзолари ва Бош директори, Компания ва унинг шўъба ҳамда тобе хўжалик жамиятларида, масъулияти чекланган жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари Компаниянинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас. | **8. КОМПАНИЯ КУЗАТУВ КЕНГАШИ**<br><br>8.2. Компания кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7 (етти) кишидан иборат бўлиб, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) йиллик муддатга сайланадилар. Компаниянинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.<br>Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига биноан Компания Кузатув Кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган даврда ҳақ тўланиши ва (ёки) Кузатув Кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдори акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгилаб қўйилади.<br>Компания бошқаруви аъзолари ва Бош директори, Компания ва унинг шўъба ҳамда тобе хўжалик жамиятларида, масъулияти чекланган жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари Компаниянинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас. | Ўзбекистон Республикасининг “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонуни 29.03.2022 й. ЎРҚ-760-сон (Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 28 декабрда қабул қилинган Сенат томонидан 2022 йил 17 мартда маъқулланган) |
| **9. КОМПАНИЯНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ**<br><br>9.2. Компания бош директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазкур уставда ҳамда Компания билан бир йил муддатга тузиладиган меҳнат шартномасида белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома Компания номидан Компания кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Компаниянинг бош директори билан тузиладиган меҳнат шартномасида унинг Компания фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Компаниянинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Компания кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилади. | **9. КОМПАНИЯНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ**<br><br>9.2. Компания бош директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазкур уставда ҳамда Компания билан 3 (уч) йил муддатга тузиладиган меҳнат шартномасида белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома Компания номидан Компания кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Компаниянинг бош директори билан тузиладиган меҳнат шартномасида унинг Компания фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Компаниянинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг | Ўзбекистон Республикасининг “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонуни 29.03.2022 й. ЎРҚ-760-сон (Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 28 декабрда қабул қилинган Сенат томонидан 2022 йил 17 мартда маъқулланган) |

| | | |
|---|---|---|
| **10. КОМПАНИЯНИНГ МИНОРИТАР АКЦИЯДОРЛАРИ ҚЎМИТАСИ**<br><br>10.2. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар Компанияга кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади. | **10. КОМПАНИЯНИНГ МИНОРИТАР АКЦИЯДОРЛАРИ ҚЎМИТАСИ**<br><br>10.2. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар Компания кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади, бундан кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш тартиби мустасно. | Ўзбекистон Республикасининг “Корпоратив бошқарув тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонуни 18.01.2023 й. ЎРҚ-814-сон (Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 31 майда қабул қилинган Сенат томонидан 2022 йил 19 ноябрда маъқулланган) |